

Бухоро қўлёзма китоблари ва уларнинг тақдири

(XIX – XX аср бошлари мисолида)

Холназарова Латофат Самиевна, ТДТУ

Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, XIX аср охири - XX асрнинг бошларида Ўрта Осиёда мустамлака тузумининг қарор топиши минтақа ҳудудида, хусусан, Бухоро амирлигида улкан моддий ва маънавий мероснинг, хусусан, қўлёзма китобларнинг талон – тарож бўлишига олиб келган[1]. Рус шарқшунос олими В.Л. Вяткиннинг қайд этишича, қўлёзма китоблар сони йил сайин камайиб борган, уларни хорижий кутубхоналар, турли хил шахслар томонидан арзимас нархда сотиб олиб кетганлар.

Россия империяси Осиё Музеи директори К.Г.Залеман: “яқин келажакда бу қўлёзмалар хорижий харидорлар томонидан олиб кетилади. Ҳозир улар ўз намояндалари (агентлари) орқали асосан миниатюралар китобларни сотиб олмақдалар”[2] дея ахборот берган эди.

XX асрнинг бошларида фақатгина Россиянинг Осиё Музеида Ўрта Осиёдан олиб кетилган 4000 дан ортиқ шарқ қўлёзмалари мавжуд бўлган.

К.Г.Залеман ўзининг Ўрта Осиёга илк ташрифи чоғидаёқ: “Минтақанинг қадимий нодир қўлёзмалар макони эканлигини аниқлаб, олимлар иштирокида кўплаб илмий сафарлар уюштириш ҳамда қўлёзмаларни Петербург музей ва кутубхоналарига йиғиб олиш зарур” деган хулосага келган эди.

Ўрта Осиё хонликларидан Россияга кўплаб нодир қўлёзма асарлар олиб кетилган ва кутубхоналарга сотиб олинган ёки совға қилинган.

Бундан ташқари, Бухоро амирлиги ҳукмдорлари ҳам амирликнинг маънавий-маданий мероси бўлган қўлёзма китобларни рус императорига ҳадя қилган. Масалан, ҳозирда Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти Санкт - Петербург бўлимида № В 2346 (Nov. 1572) рақам остида сақланаётган Носириддин Абдуллоҳ ибн Умар Байзавийнинг “Низом ут-таворих” асарини Амир Музаффар (1860-1885)[3] рус императорига ҳадя этган.

1913 йили Бухоро амири Сайид Олимхон ҳам рус императори Николай II ни Романовлар сулоласи ҳукмронлигининг 300 йиллик муносабати билан табриклаб, совға-саломлар орасида яна 20 жилд қўлёзма китобларни ҳам ҳадя этган. Байрамдан сўнг Император фармони билан китоблар Халқ кутубхонаси (ҳозирги Санк-Петербургдаги М.Е. Салтыков-Щедрин номидаги Халқ кутубхонаси)га берилган. Бу қўлёзмалар таркибида Масъуд - Зоҳир ибн Муаййад Дехлавийнинг “Юсуф ва Зулайхо”, Хусрав Дехлавийнинг “Дувалрони ва Хизрхон”и, Дарвеш Баҳром Сако Бухорийнинг девони, Хусрав Дехлавийнинг “Хамса”си ва девони, Низомийнинг “Хамса”, Жомийнинг “Ҳафт авранг”, “Юсуф ва Зулайхо” асарлари бор эди. Рашиддин Муҳаммад Котиб Султонийнинг “Мисбоҳ”, Закарийо Қазвинийнинг “Аджойб ал-маҳлуқот ва ғаройб ал-мавжудот”и, Саъди Шерозийнинг “Бўстон”и, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, “Юсуф ва Зулайхо”, Ҳофиз Шерозий

девони, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”и, Бархурдор мумтознинг “Махбуб ал-кулуб” асарлари ҳам бўлган.

Россия империяси мустамласидан сўнг Ўрта Осиёга келган кўплаб рус олимлари, тадқиқотчилари, сайёҳлари, ҳатто оддий фуқаролари ҳам ҳалқимизнинг бой маънавий мероси саналган қўлёзма китобларни турли йўллар билан ўзлаштириб, кейинчалик Россия кутубхоналари фондларига ҳадя қилишган. Айниқса Хива босқини, Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларда ҳам фаол қатнашган Александр Кун Китоб ва Шаҳрисабз юришларида катта миқдордаги қўлёзма китобларни қўлга киритган. Хусусан, Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамовнинг 1870 йили 3 сентябрда Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфманга хабар беришича, Шаҳрисабз беги Жўрабекнинг саройини эгаллаш жараёнида кўплаб қўлёзмалар қўлга киритилган. Фон Кауфман 1870 йил 23 сентябрда Абрамовга бу коллекцияни Санкт-Петербургга – Император Халқ кутубхонасига жўнатиш учун қўлёзма китобларни Тошкентга, унинг идорасига юборишни буюрган. Буйруқда шундай кўрсатма бор: “Сиз жанобларидан барча китобларнинг феҳристини тузиб, менинг идорамга юборишингизни сўрайман. Агар жаноб Кун қўлёзма асарларнинг ҳеч бўлмаса энг муҳим нусхаларини қисқача баён қилиб берса, жуда фойдали бўлур эди. Кейин бу китобларнинг ўзи қисқача баёни билан халқ кутубхонасига жўнатилади”[4].

Генерал Абрамов бу буйруқни бажариб, 1870 йил 7 октябрда Шаҳрисабз ва Китобдан тартиб олинган жами 100 дона китобни Тошкентга жўнатган[5].

Булардан ташқари ўша даврда А.Л. Кун томонидан Фахриддин Абу Сулаймон Довуд ибн Абулфазл Муҳаммад Банокатийнинг “Равзат увла ал-боб фи таворих ал-ақобир ва-л-ансоб” асари, “Умумжаҳон тарихи” асарлари сотиб олинган. Шу асарнинг 1337 йили кўчирилган яна бир нусхаси иловалари билан муаллиф томонидан Ўрта Осиёга келтирилган. Қўлёзма Бухорода қайта таъмир қилинган, унга илова ва аниқликлар киритилган. Нусхадаги бир неча муҳрлар китобнинг Бухорода бўлгани ва охири рус маъмурлари қўлига ўтганини кўрсатади. Охириги муҳрда “Управление начальника Заравшанского округа” деган ёзув ва икки бошли бургут сурати бўлган. Китоб 1917 йили Осиё Музейига ҳадя этилган.

Осиё Музейидаги энг катта фондни 1915-1916 ва ундан кейинги йилларида Бухородан келиб тушган “Бухоро коллекцияси” ташкил этади ва унинг таркибида 1056 жилд қўлёзма китоблар бўлган. Мазкур коллекцияда Али Яздийнинг “Зафарнома”, Абдурахмон Сийратнинг “Кунуз ал-аъзам”, Муҳаммад Иброҳим ибн Муҳаммад Каримнинг “Кашф ал-иъжоз” каби нодир асарлари жамланган. Айрим асарлар бир неча нусхаларда олиб кетилган. Масалан, Абу Сийратнинг “Кунуз ал-аъзам” асарнинг бир неча нусхалари 1916 йили В.О.фон Клемм, О.А.Крауш, А.А.Валидов, С.М.Смирновлар томонидан қўлга киритилиб, Осиё Музейига топширилган. Санкт Петербургдаги собиқ ЛДУнинг шарқ бўлими кутубхонасига ҳам Бухородан олиб кетилган нодир қўлёзмалар топширилган.

Китобларни Россияга сотиш билан айрим маҳаллий миллат вакиллари ҳам шуғулланган. Масалан, А.К. Козимбек Мавлоно Розиддин Абд ал - Ғофури Лорийнинг “Такмилаи нафаҳот (ал-унс мин ал -ҳазарот ал - қудус)”, Мирзо Мақсуд ад-Дахбедий ал-Бухорийнинг “Хулосат ан-нафаҳот”, “Мирот ас-соликин” асарларини Университет кутубхонасига сотган.

Айнан шу даврда ислом меросининг энг ноёб ёдгорликларидан саналган “Усмон муҳаффи”, яъни Қуръони каримнинг энг қадимий нусхалари Хўжа Аҳрор масжидидан ва Шаҳрисабзнинг Катта Лангаридан тортиб олиниб, Санкт-Петербургга юборилган.

1870 йили Шаҳрисабздаги Катта Лангар мазоридан олиб кетилган 81 ыаракли дунёдаги энг қадимги Қуръони Карим нусхаси Е-20 рақами остида бугунги кунда Санкт-Петербургда сақланмоқда[6]. Шу Қуръони Карим нусхасининг 13 ыарағи Катта Лангар мазориди, 1 ыарағи ЎзР ФА ШИ да, 2 ыарағи Бухоро вилояти кутубхонасида сақланади. (Мустақиллик шарофати билан булардан бири Республикамиз мусулмонларига қайтарилди ва ҳозир Ўзбекистон диний идораси кутубхонасида сақланмоқда).

Нафақат Россиядан, балки чет элдан ташриф буюрган саёҳатчи ва тадқиқотчилар ҳам нодир қўлёзмаларни қўлга киритиб, олиб кетганлар. Хусусан, АҚШ дан ташриф буюрган Ю. Скайлер, Француз Ш. Уйфальфи, Ж. Кастанье, Шаффранжан каби шахслар бу ерда қўлга киритган китобларни турли хорижий музей ва марказларга жўнатганлар. Хусусан, Ш. Уйфалви ва Ж. Кастанье Ўрта Осиё ҳудудида катта коллекция тўплаган[7]. У анча йиллар ўлка бўйлаб саёҳат қилиб, муайян вақт мобайнида ёдгорликларни муҳофаза қилиш, музей ва кутубхоналар билан боғлиқ турли ташкилотларда фаолият юритган, катта миқдордаги археологик топилмаларни тўплаган. Кастанье 1920 йили совет маъмурлари томонидан жосусликда шубҳа остига олинган, Францияга жўнаб кетган. У ўзи тўплаган буюмларнинг бир қисмини Эрмитажга, 500 та буюмни Туркистон музейига топширган. Бироқ олимларнинг гувоҳлик беришларича, Кастанье ўз коллекциясининг энг катта ва энг яхши қисмини Парижга олиб кетган[8].

Бухорода бу даврда яратилган ва кўчирилган қўлёзмалар Париждаги Франция Миллий кутубхонасида, Германиянинг Берлин кутубхонасида, Римдаги Ватикан кутубхонасида, Эроннинг Кутубхонаи мажлиси Миллий, Қумдаги Маръаший - Нажафий кутубхонаси (Қум), Машҳаддаги имом Ризо – Остони Қудс(Машҳад) кутубхонасида ва бошқа шахсий кутубхоналарда Сурия, Қувайт, Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистони, Миср, Марокаш кутубхона ва фондларида сақланмоқда. Бу китоблар Бухоро амирлигининг энг нодир қўлёзма ва тошбосма асарлари ҳисобланган

Хулоса қилиб айтганда, Россия империясининг сиёсий ҳукмронлиги шароитида маданий меросга талончилик муносабати унга катта путур етказди. Маънавий бойликлар талон-тарож қилинди, минг йиллар давомида яратилган бой моддий ва маънавий мерос намуналари, қўлёзма китоблар, турли йўллар билан ўзлаштириб, ташиб кетилди. Ҳатто давлат ҳукмдорлари маҳаллий бойлар нодир қўлёзма китоблар, асори-атиқаларни совға қилиш ёки сотиб юборишга ружу қўйдилар.

Шундай шароитга қарамай, мамлакатда шахсий кутубхоналарда маърифатли кишилар жонкуярлиги туфайли кўплаб қўлёзмалар сақлаб қолинди.

1. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шойдлиги ва сабоқлари (1865-1990). (лойиҳа раҳбари, маъсул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор Д.А. Алимова). Тошкент: Шарқ, 2000. Б. 334-339.
2. Кормилицын А. И. Кормилицын А.И. Рукописные коллекции и библиотеки на территории Узбекистана эпохи средневековья. – Ташкент: 1993. – Б. 49-56.
3. Миклухо-Маклай Н. Д. Описание персидских и таджикских рукописей Института Востоковедения. Вып.3. исторические сочинения - М.: Наука, 1975. – С. 40-41.
4. Тарих шойидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. - Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 358.
5. ЎЗР МДА 1-фонд, 15-опись, 69-дело, 67- варақ.
6. Резван Е. По следам Корана Усмана. Катталангарский Коран. Санкт-Петербург, 2001; Шу муаллиф. Коран и его мир. Санкт-Петербург, 2000; Қаранг: Воҳидов Ш. Муқаддас Қуръони карим изидан. // Мозийдан садо, 2000. – №1; Тарих шойидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. - Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 369-374.
7. Чабров Г.Н. История музейного дела в Средней Азии (дореволюционный период). // Қўлёзма. Ўз МДА. Фонд – 2681.Опись-1, дело - 42. 36 варақ. Шу муаллиф. Накопление сокровищ и культурных ценностей в государствах Средней Азии с древнейших времен до падения феодальной деспотии. 1957-1963. – Б. 126. Яна қаранг: Тарих шойидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. - Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 376
8. Горшенина С. Станный археолог Кастанье. // Звезда Востока, 1996. – №3. – С. 156.